ЛИЦА
П4 10 В 1991

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Қўмитасининг бош нашри

РУЗНОМА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН. ◆ № 29 (20. 896) 1991 йил 9 февраль, шанба ◆ Рўзнома йилига 256 марта чиқади. ◆ Баҳоси 8 тийин.

Бугун—ўзбек шоири, мутафаккири ва давлат арбоби Алишер Навоий таваллудига 550 йил тўлди

ЖАҲОН ИЧРА ЖАҲОНИЙ СИММО

*

БУГУН ТОНГГИ РАДИО жумҳуриятимиз аҳолисини ўзбек халқининг улуғ шоири, буюк мутафаккир, беназир инсон Алишер Навоий ғазаллари билан ижро этиладиган куй ва қўшиқлар билан уйғотди. Мўйсафид оталар-у табаррук онахонлар, йигитлар-у қизлар, хатто бешикдаги ўғлонлар-у қизалоқлар қалбига буюк шеъриятнинг оташин нафаси кириб келди.

Ҳа, бугун ҳар дилда бир сўз мукаррам — Навоий. Ҳар тилда бир сўз жарангдор — Навоий. Бугун халқимиз ўз соҳир қалбига инсон тафаккури ва шуури эришган юксакликдан назар солмоқда. Ўтли сўз қудратининг, нодир қалб жозибасининг таъсири остида ўзи ҳам тобора юксалиб бормоқда. Юлдузлардек нур таратаётган сўзлар шуъласидан қалби чароғон, нигоҳи теран, руҳи тиниқ бўлаётир.

Чунки бугун шеърият мулкининг султони Низомиддин Мир Алишер таваллуд топган кун. Чунки бугун ўзбек халқи бир замонлар буюк ўғлони тимсолида жаҳоний мавқе ва мартаба сари отланган кундир.

Шунинг учун ҳам бугун эрталаб шаҳар жамоатчилиги Алишер Навоий ҳайкали қошига йиғиладилар. Улуғ шоир ҳайкали пойига халқ меҳри, эҳтироми сифатида гуллар қўйилади. Навоийхонлик ўтказилади. Навоийхонлик шу куни жумҳуриятимизнинг барча вилоятларидаги ташкилотлар, олий ўқув даргоҳлари, мактаблар ва кутубхоналарда давом этади. Бугун кечқурун Алишер Навоий номидаги давлат академик Катта театрибиносида буюк мутафаккир, даҳо шоир ва давлат арбоби туғилган кун муносабати билан катта концерт намойиш қилинади.

Жаҳон ичра жаҳоний сиймонинг табаррук тўйини муносиб нишонлаш тадбирлари бошлаб юборилди.

[Алишер Навоийга бағишланган мақола ва манзумаларни рўзномамизнинг иккинчи ва тўртинчи саҳифаларида ўқинг].

*

● Мусаввир Н. Ҳакимов ишлаган плакат.

Абдулла ОРИПОВ

АЛИШЕР ВА ТАЛАБА

Сарой йўлга чиқди савлати билан,
Алишер арконн давлати билан.

Ҳирот фазосида янграйди такбир,
Шаҳар айланмоқда вазири кабир.

Улуснинг дарди не? Аъмоли нечук?
Бева-бечоранинг аҳволи нечук?

Нечукдир бошлаган ишоотлари? —
Мирни қизиқтирар буларнинг бари.

Гарчи шоирдир у беназир, танҳо,
Лекин салтанат ҳам дастидадир жо.

Дарёларни бурар нмо айласа,
Маглуб музаффардир ҳимо айласа.

Теграсида букун шоҳона жонлар,
Сергак сарбозлару содиқ аъёнлар.

Вазир ўтиб борар гузарлар аро,
Таъзимга чиқишдир жамъи фуқаро.

Дастори ҳайбатли шайхлар эгар бош,
Бош эгар коснбу, шоиру наққош.

Алишер барчага тараҳҳум билан,
Ҳурмат кўргазарди табассум билан.

Шундоқ ғужғон эди йўнгу сўллари,
Мадраса томонга оғди йўллари.

Юзлаб талабалар мамнун, сарафроз,
Улуғ Навоийга чиқдилар пешвоз.

Ҳали лабларидан учмай бирор сўз,
Ҳазрат атрофига ташладилар кўз.

Нигоҳ юритдилар сафларга томон,
Ва бир талабага боқди ногаҳон.

Меҳр ила тикилгач, тушдилар отдан,
Ким ул азиз кимса азиз бул зотдан?

Бориб талабани қучдилар ҳазрат,
Оломон руҳида янгради ҳайрат.

Сарбозлар, аъёнлар ҳайратда эди,
Такаббур боёнлар ҳайратда эди.

Тағин отга минди Вазир бекалом,
Карвон ўз сафарин этказди давом.

Охир бир мулозим сабри тугаб, лол,
Алишерга шундоқ ташлади савол:

— Кимга шу аснода бахт кулди экан,
Айтинг, ул талаба кйм бўлди экан?

Ўйчан бир табассум қилди-ю жаноб,
Мулозимга секин айлади жавоб:

— Эсимда, ёш чоғим, кўп йиллар нари,
Менга сабоқ берган унинг падари...

● Рўзномамизнинг 7 февраль сонида СССР Давлат банки ўзбек шоири, мутафаккири ва давлат арбоби Алишер Навоий таваллудининг 550 йиллиги муносабати билан бир сўмлик эсдалик тангани муомалага чиқаргани тўғрисида хабар қилган эдик.

Бугун ана шу эсдалик тангаинг тасвирини эълон қилмоқдамиз.

ЮБИЛЕЙГА БАҒИШЛАБ

8 февраль куни Ўзбекистон ССР Фанлар академиясида бўлиб ўтган илмий конференция буюк ўзбек шоири ва мутафаккири Алишер Навоий юбилейига бағишланди. Унда академия илмгоҳлари ва олий ўқув юртларидаги тарихчи, шарқшунос, филолог, адабиётшунос олимлар, Ўрта Осиё республикаларидан келган меҳмонлар қатнашдилар.

Конференцияни Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг президенти М. С. Салоҳиддинов очди.

Конференция Алишер Навоий йилида ўтказиш кўзда тутилган юбилей тадбирларининг бир қисми эканлиги таъкидланди. Нутқларда Алишер Навоий меросининг жаҳон маданияти учун улкан аҳамияти уқтирилди.

Конференция қатнашчиларн таъкидлаганларидек, олимлар ҳали халқ олдида қарздор бўлиб қолмоқдалар — буюк мутафаккир ва ўзбек адабиёти асосчисининг ижоди тағин ҳам чуқур ўрганилиши лозим.

Конференция доирасида кўргазма ташкил этилди. Унда Ойбек номли Ўзбекистон халқлари тарихи музейи ва Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг кутубхонаси фондларида сақланаётган ноёб қўлёзмалар, бадиий миниатюралар, шунингдек Алишер Навоий асарлари тўпламлари намойиш қилинди.

Конференция ишида Ўзбекистон ССР Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси Раисининг ўринбосари Э. Самандаров, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг котиби Ж. Ҳ. Ҳамидов қатнашдилар.

(ЎзТАГ).

ПУРҲИКМАТ БАЙТЛАР

«МАҲБУБУЛ-ҚУЛУБ»ДАН:

Ҳозиқ табиби хушгўй — тан ранжига шифодур,
Омийю тунду бадхўй — эл жонига балодур.

Киши агар киши бўлса, ўзни киши демагай,
Қилурда ҳеч ишни ҳам киши иши демагай.

Кимки бир шиддат аро сабру таҳаммул айлади,
Бахт анинг ишини нўшу хорини гул айлади.

Эранлар хизматидин чекмагил бош,
Агар бошингга гардундин ёғар тош.

Ёр улдурки, ҳар неким ўзнга
Истамас, ёрнга ҳам истамагай.

Бўрнни қўзи била қилган семиз
Кийик жамъу хайлигадур раҳмсиз.

Утдин исинурғача овуч оч,
Қуйдурғудек англасанг, кейин қоч!

БУЮК ИНСОНПАРВАР

ТЕЛЕФОНДА — СССР ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ БОШҚАРУВИНИНГ КОТИБИ, БУТУНИТТИФОҚ ЮБИЛЕЙ КОМИССИЯСИ РАИСИНИНГ ЎРИНБОСАРИ СЕРГЕЙ КОЛОВ:

— Жаҳон Тинчлик Кенгашининг Москвада бўлган юбилей мажлиси (аввалгиси) номига юборган табрикномаси эсингизда бўлса керак. Табрикнома шундай янграган эди: «Алишер Навоийнинг жаҳон маданиятининг энг яхши дурдоналарига мансуб бўлган қудратли ҳаётбахш шеърияти барча совет кишиларининг, бутун тараққийпарвар инсониятнинг бойлиги бўлиб қолди. Барча мамлакатларнинг халқлари беш асрдан зиёд вақт ўтгандан кейин Алишер Навоий юбилейини нишонлар эканлар, улуғ инсонпарварнинг ижодий меросига чуқур ҳурмат билан қараётганликларини билдирмоқдалар. Алишер Навоийнинг олижаноб идеаллари ва илҳомбахш асарлари тинчлик ва инсоният тараққиёти учун курашдаги ҳамкорликни мустаҳкамлашга ёрдам бермоқда».

Бу улуғ ўзбек шоирига берилган ғоятда муносиб, 550 йиллик тантаналари кунларида ҳам баралла овоз билан айтишга муносиб баҳо!

Адабиётни Алишер Навоийсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Улуғ ўзбек фарзанди айни вақтда бутун тараққийпарвар инсоният фарзандидир. Шу боис, мана, олтинчи аср кетяптики, унинг ҳаёти ва ижодига қизиқиш дунёнинг турли минтақаларида бирдай ортса ортяптики, асло сусайган эмас. Бунинг ёрқин исботи куни кеча олис Берлиндан келган хушхабар: у ерда туркшуносларнинг халқаро конгресси иш бошлаяпти. Илмий анжуман дастурида Алишер Навоий ҳаёти ва ижодига бағишланган маъруза ҳам бор.

Шу ўринда мен чет эллик дўстларимиз, айниқса, франциялик ва америкалик биродарларимизнинг хайрли ишларини алоҳида мамнуният билан таъкидлаб ўтмоқчиман. Парижнинг «Диферанс» нашриёти «Жаҳон адабиёти дурдоналари» туркумида Алишер Навоийнинг «Девон»ини босмага тайёрламоқда. Китобга кирган асарларни франциялик Жан Пьер Балп билан юбилей комиссиямизнинг масъул котиби, иқтидорли шоир ва таржимон Ҳамид Исмоилов таржима қилган. Мамлакатнинг тўрт жойида — Ж. Помпиду номидаги санъат ва техника марказида, Араб дунёси институтида, Миллий кутубхонада ва театрда 550 йиллик муносабати билан навоийхонлик ўтказилиши мўлжалланган.

Америкалик профессор Вольтер Фельдман улуғ шоирнинг машҳур «Сабъаи сайёр» достонини таржима қилмоқда.

Алишер Навоий юбилейи Ўзбекистондагина эмас, бутун мамлакатимизда зўр тантаналар билан ўтиши керак. Шунинг учун махсус Бутуниттифоқ юбилей комиссияси тузилди.

Юбилей комиссияси аллақачон ўз тадбирлари ва режаларини ишлаб чиққан. Ҳозир Москвада, Ленинградда, барча қардош республикаларда юбилейга қизғин тайёргарлик кўриляпти. «Советский писатель», «Художественная литература» нашриётлари Навоийнинг янги китобларини босиб чиқаряпти. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси қошидаги Таржима марказининг ташаббуси билан Навоийга бағишланган илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди. Унга ташриф буюрган меҳмонлар айни кунларда Навоийнинг энг сара ғазалларидан ташкил топган китобни ўз она тилларида нашрга тайёрламоқдалар. Лекин биз бу борада ҳали кўп иш қилишимиз лозим. Сентябрь ойида Москвада бўладиган юбилей кечасининг сценарийси устида иш бошлаб юборилди. Бу тантана кўп миллатли совет маданиятининг, мамлакатимиз халқлари дўстлигининг чинакам кўзгусига, намойишига айланиши керак.

Алишер Навоий ўзининг мангу янгроқ асарлари, идеаллари, қаҳрамонлари билан ҳамиша тирикдир. Унинг бетакрор инсоний фазилатларидан, халқпарварлигидан, дўстпаварлигидан ҳар қанча ўргансак арзийди. Алишер Навоий бугунги мураккаб даврда бизни ҳушёрликка, ақл-идрок билан иш кўришга, меҳр-оқибатли, тинчликсевар бўлишга даъват этмоқда.

Тошкентда бугуй бўладиган учрашувлар ва йиғилиш улкан юбилейнинг бошланишидир.

Муборак тўйларингиз қутлуғ бўлсин, азиз биродарлар!

Юсуф БЕРДИЕВ ёзиб олди.

550

ПАРТИЯНИНГ ТАРБИЯВИЙ ИШЛАРИ КУЧАЙТИРИЛСИН

● Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетида бўлиб ўтган кенгашда янги шароитда партия мафкуравий ва оммавий-сиёсий ишларининг асосий йўналишлари муҳокама қилинди.

Кенгаш қатнашчилари — вилоят партия комитетларининг мафкуравий масалалар билан шуғулланувчи котиблари, шу соҳадаги фаоллар коммунистларни ўткир сиёсий курашга тортишаётган шароитда партия давр талабларини ҳисобга олиб ўз ишини қайта қуриши лозимлигини таъкидладилар. Бу ишда партия комитетлари ва ташкилотлари меҳнаткашларнинг кенг табақаларига таянишлари, ижтимоий турмуш жараёнларига, янги иқтисодий, сиёсий ва маънавий муҳитни вужудга келтиришга фаол қўшилишлари лозим. Юз берган мураккаб вазиятда содир бўлаётган воқеаларнинг моҳиятини, партиянинг мақсадларини одамларга тушунтириш зарур.

Партиянинг тарбиявий ишларини кучайтириш лозим,— деб ҳисоблашди кенгаш қатнашчилари. Ҳозирги пайтда партиянинг обрўси сўз билан эмас, балки иш билан мустаҳкамланади. Бу ишлар, энг аввало, сиёсий ва иқтисодий аҳволни барқарорлаштиришга, одамларни ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилишнинг ишончли системасини яратишга, уларнинг фаровонлигини оширишга қаратилган.

Ҳозирги вақтда тенг ҳуқуқли, мустақил Совет Социалистик Республикалари Федерацияси сифатида Иттифоқимизнинг келажаги тўғрисидаги умумхалқ референдумига тайёргарлик кўриш муҳимдир. Янгиланган Иттифоқ қандай бўлиши хусусида айни халқ ўз фикрини айтиши лозим. Ўз шахсий сиёсий нафсониятини кўзлаб ишни ажралиш сари олиб бораётган, халқлар ўртасидаги азалий байналмилал алоқаларни бузишга тайёр турган кишиларнинг овозини фақат халқ овози бўғиб қўйишга қодир эканлиги таъкидланди. Шу муносабат билан кенгаш қатнашчилари барча босқичларда қонунийлик ва тартибни, интизомни таъминлайдиган ҳокимият муассасаларини бутун чоралар билан мустаҳкамлаш муҳимлиги тўғрисида манфаатдорлик билан гапирдилар.

Кенгашда партия комитетлари олиб бораётган лекция иши муаммолари, аҳолининг турли табақалари орасида бу ишни такомиллаштириш масалалари кўриб чиқилди. Меҳнаткашларни ва айниқса ёшларни байналмилалчилик ва даҳрийлик руҳида тарбиялашда партия комитетлари ва «Билим» жамиятининг ташкилотлари ҳузурида иш олиб бораётган ижтимоий-сиёсий марказлар ўзаро алоқаларининг аҳамияти ортади.

Кенгашда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг котиби Ж. Ҳ. Ҳамидов, Ўзбекистон ССР Президентининг маслаҳатчиси Ш. С. Знёмов, республика Олий Кенгаши Раёсатининг масъул ходимлари сўзга чиқдилар.

Кенгаш қатнашчилари иш тажрибаларини ўртоқлашдилар.

(ЎзТАГ).

Республика партия комитетининг пленуми

НУКУС, 8 февраль. (ЎзТАГ). Бугун бу ерда Ўзбекистон Компартияси Қорақалпоғистон республика комитетининг пленуми бўлиб ўтди. Пленумда ташкилий масала кўриб чиқилди. Пленум илгари Қорақалпоғистон қишлоқ хўжалик вазири бўлиб ишлаган Сейтназар Ержоновни республика партия комитетининг котиби ва бюро аъзоси этиб сайлади. Пленум С. Ержоновни республика партия комитети аграр сиёсат масалалари бўлимининг мудири этиб тасдиқлади.

Пленумда Ўзбекистон Компартияси Қорақалпоғистон республика комитетининг биринчи котиби Д. Н. Шамшетов нутқ сўзлади.

(ЎзТАГ).

ЎН ИККИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ КЕНГАШИ НАВБАТДАН ТАШҚАРИ ТЎРТИНЧИ СЕССИЯСИНИНГ ОЧИЛИШИ ТЎҒРИСИДА

Ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг навбатдан ташқари тўртинчи сессияси 1991 йил 14 февраль соат 10 да Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси мажлислар залида очилади.

Ломакондин то зуҳур бўлгунча ул зоти комил, бас, замонлар айланиб, келадур ўзга замон.

Давлатшоҳ Самарқандий

● Навоий ва Султон Маҳмуд Мирзо сурати. XV асрнинг 80-йиллари.

ЧОРАК АСРДАН СЎНГГИ ТАҲРИР

Баҳром БАФОЕВ,
филология фанлари доктори

ШАРҚ адабиётида ғазал, асосан XII—XIII асрларда, айниқса Саъдий Шерозий даврида ўзининг бугунги кундагидек шаклан мукаммал кўринишига эга бўлди. Ғазаллардан девон (китоб) тузиш қоида ва усуллари ҳам мана шу замонларда тартиблаштирилди. Шарқ адабиётлари тарихида девон тартиб берган классиклар саноқли. Чунки девон тузишдаги барча талаблар етарли бўлгандагина у амалга оширилар эди. Назмиёти девон қилинган классиклардан Саъдий Шерозийнинг тўрт девони (мингдан ортиқ ғазал), Амир Хусрав Деҳлавийнинг бешта девони (2169 ғазал), Ҳофиз Шерозийнинг бир девони (573 ғазал), Камол Хўжандийнинг бир девони (917 ғазал), Жомийнинг уч девони (1805 ғазал), ниҳоят Алишер Навоийнинг ўзбек тилида тўрт (2600 ғазал), форсча бир девони (544 ғазал) мавжуд. XI аср адабиёти классиклари Лутфий, Гадоий, Саккокий, Отойи, Ҳусайний ва Бобурнинг биттадан девонлари бор.

Алишер Навоий табиатан жуда иқтидорли бўлганидан ёшлик пайтидан (7-8 ёшлар) то ҳаётининг сўнгги даврларигача ёзган барча жанрлардаги (у назмиётнинг ўн олти жанрида ижод қилгани маълум) асарлари мазмунан бой, поэтик жиҳатдан етукдир.

Алишер Навоий ҳаёт даврида унинг назмиёти беш марта девон қилинган. Дастлабкиси — ҳиротлик ғазал ихлосмандлари томонидан Навоийнинг 25 ёшларигача ёзилган тўрт юзга яқин ғазалидан тузилган («Илк девон» 1466 йил). Шоирнинг ўзи биринчи дафъа 1470 йилларда «Бадойиъул-бидоя», иккинчи бор 1480 йилларда «Наводирун-ниҳоя» девонларига, 1490-йилларга келиб учала девонидаги ва яна янги ёзилган назмий асарларни бир ном билан бирлаштириб «Хазойинул-маоний» («Ғаройибус-сиғар», «Наводируш-шабоб», «Бадойиъул-васат», «Фавойидул-кибор») девонига тартиб берган. Форсча ғазаллари «Девони Фоний» номида китобат қилинган. Шоир умри охирларида ўзбекча ғазалларидан ўзи тартиб берган «Чор девон»ида олдинги уч девондаги назмиётини таҳрир билан китобат қилган. Мана шу девонлардаги икки минг олти юз ғазалнинг ҳар бири қанчалик Алишер Навоий эътиборига тушиб, қанчалик таҳрир этилганини аниқлаш учун уч девондаги қўлёзмаларни қиёслаш керак. Ана шунда шоир талантининг қирралари намоён бўлади. Бу ўринда Алишер Навоий бир ғазалини чорак асрдан сўнг қандай таҳрир этганини «Илк девон»даги биринчи, «Ғаройибус-сиғар»даги бешинчи ғазал мисолида кўриш мумкин. Унинг «Ғаройибус-сиғар»даги матни қуйидагича:

Илоҳо, подшоҳо кирдикоро,
Санга очуғ ниҳону ошкоро.
Сабру исми била қилсанг тажаллий,
Қилиб Намрудга юз минг мадоро.
Қачонким зоҳир этсанг танзиъ ул-мулк,
Сикандарнинг бўлур маглуби Доро.
Иўлунг муҳлик тоши ёқути аҳмар,
Эшикинг тийра гарди мушки соро.
Суҳо бўлса шабистонингда толе,
Бўлуб нури қуёшдек оламоро.
Навоий нафс зулматиға қолмиш,
Сен ўлмай Хизри раҳ чиқмоқ не ёро.
Қиёматда гуноҳин авф этарга,
Расулингни шафиъ эт, кирдикоро.

Байтлар сони иккала девонда ҳам бир хил. Фақат «Илк девон»даги учинчи,тўртинчи байтлар янги девонда ўрин алмашган. Биринчи, иккинчи, учинчи байтлар иккала девонда ҳам бир-бирига мос. Тўртинчи байтнинг биринчи мисраси (Иўлунг муҳлик тоши ёқути аҳмар) «Илк девон»да «Иўлунг тоши бўлуб ёқути аҳмар» деб баён қилинган.

Шоир таҳririдан сўнг мазкур байтда жиддий маъно ўзгариши содир бўлган. «Илк девон»да шоҳга нисбатан «Иўлинг тоши қип-қизил қимматбаҳо тошлар» дейилса, «Ғаройибус-сиғар»да керагича маъно ташимаётган «бўлуб» сўзи «муҳлик» (ҳалок қилувчи) сўзи билан алмаштирилади. Натижада мисра фавқулодда янгича мазмун касб этади: «йўлингдаги қимматбаҳоли қип-қизил тошлар ҳалок қилувчидир».

«Илк девон» нусхасининг бешинчи байти мисраларида икки сўз фарқланади.

Шуҳо бўлса шабистонингда толеъ,
Бўлуб юзи қуёшдек оламоро.

Биринчи мисрадаги фарқ «шуҳо». Бунда, албатта, ҳаттот хато қилиб «син» ҳарфи устига уч нуқта қўйиб «шин» ёзган. Суҳо — шимолий қутбдаги етти юлдуздан энг кичик ва хирасининг номи. Навоийнинг назмий ҳам насрий асарлари тилида бу сўз бир қанча ўринларда қўлланган. Иккинчи мисрадаги «юзи» сўзини янги девонида шоир «нури» қилиб тузатган.

Олтинчи байтнинг биринчи мисрасида ҳам ўзгариш бор. «Илк девон»да:

Навоий нафс зулмонийга қолмиш.

Бу мисрадаги «зулмоний» сўзини Алишер Навоий «Ғаройибус-сиғар»да «зулмат» шаклида тузатиб, байт маъносини янада равшанроқ ифодалашга эришган. Булардан кўринадики, шоир ижод қилган 2600 ғазалнинг барчаси катта маҳорат билан ёзилган, поэтик жиҳатдан комил ғазаллардир. Кўриб чиқилган бир ғазалнинг салкам ўттиз йилдан кейинги таҳririда шоир фақат икки-уч сўзга аниқлик киритган. Умуман, шоирнинг ўз ижодига муносабати масаласи ҳали кенг ўрганилмаган.

Ўзбек поэтик адабий тили ва адабиётининг сархайли бўлган Алишер Навоий бутун ҳаёти давомида ўз ижодига катта талабчанлик билан қараган, натижада барча асарлари ҳам мазмун, ҳам поэтик жиҳатдан юксак маҳорат касб этган.

ФОРСИЙ ХАЛҚЛАР орасида кўпдан буён XII—XIII асрларда яшаб ижод қилган буюк шоир ва Мутасаввиф Жалолиддин Румийнинг шоҳ асари «Маснавийи маънавий» билан боғлиқ бир байт машҳур. Мана, ўша байтнинг матни:

«Маснавийи маънавийи» Мавлавий,
Ҳаст «Қуръон» дар забони паҳлавий.

Мазмуни: Мавлавий (яъни Жалолиддин Румий)нинг «Маснавийи маънавий» асари паҳлавий (яъни форсий) тилидаги «Қуръон»дир.

Форслар севимли шоирлари Ҳофиз Шерозий девони ҳақида ҳам шундай фикрларни билдирганлар.

Бизга етиб келган ривоятлардан бирида машҳур ўзбек шоири Бобораҳим Машрабнинг — ер юзидан оят ва ҳадис кўтарилганда Ҳофиз девони уларнинг ўрнини боса олади, — деганини маълум қилади. Бунинг маъноси шуки, Румий, Ҳофиз каби буюк шоирларнинг асарлари муқаддас китоблардаги каби умуминсоний ғоялар билан суғорилган бўлиб, башарият эътиқодини қозонган.

Савол туғилади: Ўзбек адабиётида ҳам шундай китоблар борми? Мен ушбу саволга ижобий жавоб берган бўлур эдим: Бор! Биринчи навбатда, Алишер Навоий асарлари, хусусан «Хамса» ва «Хазойинулмаоний» ана шу мазмундаги, ана шу руҳдаги асарлардир. Чунки бу асарлар бошидан охиригача умуминсоний қадриятлар, инсон манфаати, халқ ва бутун инсоният манфаатини кўзлаб ёзилган асарлардир.

Умуминсоний қадриятлар, нуқтаи назаридан ёндашадиган бўлсак, Навоийнинг «Қуръон» ва «Ҳадислар»га муносабати биринчи даражали аҳамиятга молик масаладир. Фактлар шуни кўрсатадики, бу масалада Навоий юксак даражада турган. У ҳеч қачон «Қуръон» ва «Ҳадислар»га қарши борадиган йўлни тутмаган. Бу эса асарларининг умумбашарий мазмун касб этишига олиб келган. Масалан, «Ҳадислар»да «Ҳеч ким ҳеч кимдан ортиқ эмас», «Ўзингга назар қил. Сен қизил ёки қора танли одамлардан афзал эмас, сен балки Тангридан қўрқиш ва тақво билангина фазилатинг зиёда бўлиши мумкин», дейилади. Бу фикр Навоийнинг дастур асари — «Ҳайратул-аброр»да подшоҳга мурожаат шаклида:

Бил муниким, сен доғи бир бандасен,
Кўпрагидин ожизу афгандасен.
Эрмас алар туфроғу сен нури пок,
Хилъат аларга-у сенга тийра хок.
Барча жаворих била аъзода тенг,
Сурати навъию ҳаюлода тенг, —

деб баён этилади. Кўринадики, бунда яқинлик жуда катта. Бу яқиликни эса биз доим яшириб келдик. Натижада шоирнинг «Насоймул-муҳаббат», «Тарихи анбиё ва ҳукамо», «Арбаин» каби асарлари жиддий ўрганилмай ва тўла нашр этилмай келинди.

Биз шу пайтгача Навоий ҳаёти ва ижодини ҳам синфийлик, партиявийлик нуқтаи назаридан ўрганишга ҳаракат қилдик. Лекин бу уринишлар унча самарали бўлмади. Оқибатда бир-бирлари билан бир умр дўст ва ҳамкор бўлган Навоий ва Ҳусайн Бойқарони кўп вақт ўзаро душман қилиб кўрсатдик. Тўғри, уларнинг давлат ва халқ ишлари бўйича бир-бирларини тушунмай қолган вақтлари ҳам бўлган. Лекин бу уларни ҳеч қачон ўзаро душманликка, бир-биридан юз ўгиришга олиб келмаган.

Ўз даврининг йирик давлат ва дин арбоби Хожа Аҳрор билан ҳам Навоий ҳеч қачон совуқ муносабатда бўлмаган. Хусусан, Навоий давлат арбоби бўлиб турганда Хожа Аҳрор унга жуда кўп дўстона хатлар ёзган.

НАВОИЙНИНГ асарларига келганда шуни алоҳида таъкидлаш керакки, у ҳеч бир асарини бирон синф ёки ижтимоий табақа учун, ўша ижтимоий гуруҳ манфаатини кўзлаб ёзмаган. Фақат ўзини эмас, бошқаларни ҳам у шунга чақирган. Масалан, тарихчи Мирхонд «Равзатус-сафо» асарини ёзишга киришар экан, асарингиз шоҳга ҳам, гадога ҳам бирдай тушунарли бўлиши керак, — деб тайинлаган.

Навоий ўз давридаги жамиятнинг ижтимоий тузилишини жуда яхши билган. Бунга унинг «Маҳбубул-қулуб» асари ёрқин мисол бўла олади. Бу асарида Навоий 39 хил ижтимоий гуруҳнинг аҳволи ва одатлари ҳақида сўзлаган.

«Назмул-жавоҳир» асаридаги рубоийларидан бирида эса Навоий ҳуқуқшуносларнинг майда ва ниҳоятда мураккаб, машаққатли меҳнатига юксак баҳо берган. Ҳуқуқни, яъни ҳуқуқшуносликни илмларнинг энг шарафлиси, деб баҳолаган ва одамларни ҳуқуқшуносликка фанларини чуқур ўрганишга даъват этган:

Қолғон киши касби илмдин заҳмат аро,
Фиқҳ ўргансун саъй ила ул меҳнат аро.
Илм ичра шараф фиқҳда бил нисбатаро,
Ким сарвар эрур фақиҳ бу уммат аро.

Лекин бу мисоллардан биз Навоий ўз асарларини бирон ижтимоий табақа ёки ҳукмрон синф, деҳқонлар ёки ҳунарманд, косиблар учун яратган, деб айта олмаймиз. Ўз асарларини ким учун, кимни мўлжллаб ёзганига шоир хусусан «Хамса»да муҳим аниқлик киритиб кетган. Навоий «Сабъаи сайёр» достонини ниҳоясига етказар экан, тангрига мурожаат қилиб дейди:

Деганимни улуса марғуб эт,
Ёзғонимни кўнгулга маҳбуб эт.
Тилга лафзини ногузир айла,
Жонга назмини дилпазир айла...
Халққа зеби торак айла они,
Ўқуғонга муборак айла они.
Етти афлокни анга ёр эт,
Етти иқлим элин харидор эт.

НАВОИЙ СЎЗЛАРИДАН шу нарса англашиладики, у ўз асарларини, хусусан достонларини ёзаётганда халқни, битта халқни эмас, бутун инсониятни кўзда тутган. Шунинг учун бу ўринда у менинг асарим халққа, ҳар бир инсон қалбига севимли бўлсин, ҳатто етти осмон, етти иқлим уни яхши кўриб, унга харидор бўлиб, қизиқиб юрсин, демокда. «Фарҳод ва Ширин» достонини ёзишга киришганида ҳам Навоий ўз олдига ҳаммага — шоҳга ҳам, қулга ҳам мақбул бўладиган асар ёзишни мақсад қилиб қўйгани бежиз эмас эди:

Шоҳ олса доғи қилсун тожи торак;
Қул олса ҳам анга бўлсун муборак.

«Дин нима?» деган саволга «Ҳадис»да: «Дин — насиҳатдан иборат», дейилган экан. Диний китоблардаги барча насиҳатлар инсонга қаратилган, уларнинг турмушини яхшилаш ва дунёқарашини соғломлаштиришга йўналтирилган. Шу нуқтаи назардан Навоий ижодига ёндашадиган бўлсак, унинг лирик ижодида ҳам, достонларида ҳам одамларнинг маънавий-ахлоқий тарбиясига жуда катта аҳамият берилганини кўрамиз. Биз шу мазмундаги асарларни фалсафий-дидактик асарлар, деб аташга ўрганганмиз. Навоий ижодининг бошидан охиригача, ўзигача ўзбек, форс-тожик ва бошқа адабиётларда кенг ўрин тутган бу ижод туридан узоқлашмади. Масалан, Навоий саховатни улуғлаб бир рубоийсида:

Майдони сахо ичра жалодат кўргуз,
Топқонни берур амриға одат кўргуз.
Бухл айласа, нафсингга адоват кўргуз,
Ҳар нимаки топилса саховат кўргуз,

деб ёзар экан, у саховатли бўлиш ғоясини кенг тарғиб ва ташвиқ этиш учун бу рубоий билан чекланмади. Саховатнинг кенг талқини учун «Ҳайратул-аброр» достонидан махсус бешинчи мақолатни ажратди.

Бу билан ҳам кифояланмай Навоий бошқа асарларида, хусусан «Садди Искандарий», «Чиҳл ҳадис», «Лисонут-тайр», «Маҳбубул-қулуб» асарларида бу масалага қайта-қайта тўхталди.

Навоий ижодининг, хусусан унинг лирик ва эпик шеъриятининг барча халқлар учун қимматли томонларидан бири, уларда кишилар ўртасидаги меҳру оқибат, ўзаро муҳаббат, ҳурмат, вафодорлик тараннум этилади. «Фарҳод ва Ширин», «Лайли ва Мажнун» достонларида бу мавзу жаҳон адабиёти юксаклигида ёритилган.

Шоир «Ҳайратул-аброр» достонида бу масалага тўхталар экан:

Бўлмаса ишқ, икки жаҳон бўлмасун,
Икки жаҳон демаки жон бўлмасун! —

деб ёзади. Бунинг маъноси шуки, бутун жамият, бутун борлиқ, хусусан одамлар ўртасидаги барча муносабатлар ўзаро муҳаббатга, ҳурматга асосланиши, шу асосда ривожланиши, яшаши керак. Бир-бирига муҳаббат ирқ ёки миллий синф ёки табақа хусусиятларига қараб эмас, инсоний хусусиятларга, шахснинг муқаддас, самимий, пок истак ва интилишларига қараб белгиланиши лозим. Чинлик йигит Фарҳоднинг арман қизи Ширинга муҳаббат қўйиши, отасининг севгисининг Ширин томонидан эъзозланиши, турли халқ, мамлакатларнинг вакиллари — арабистонлик Лайли, Мажнун, эронлик Баҳром, хитойлик Дилором, юнонлик Искандар кабиларнинг ёрқин образлари — булар ҳаммаси Навоий шеъриятининг яхшилик ва олижанобликка, маънавий соф ва юксак бўлишга қаратилганидан далолатдир.

Тарихдан маълумки, одамлар бирлашганда ютганлар, акс ҳолда таназзулга юз тутганлар. Навоий ижодидан келиб чиқиб, бугун ўз ҳаётимизга назар ташлар эканмиз, ҳар маҳаллада бир партия тузиш билан, одамларни ишда, фикрлашда қарамақарши гуруҳларга бўлган билан, уларни бир-биридан узоқлаштирган билан юксак мақсадларимизга етиша олмаймиз. Навоий ҳаёти ва ижоди бу борада ҳам биз учун унутилмас сабоқдир. Зотан, Навоий ижоди инсоният эришган энг улкан маънавий бойликлардан бири сифатида боқийдир.

Абдуқодир ҲАЙИТМЕТОВ,
филология фанлари доктори, профессор

«ДЕГАНИМНИ УЛУСҚА МАРҒУБ ЭТ»

● «Хамса» асарининг қўлёзмаси муқоваси. Ҳирот. XV аср.

Барот БОЙҚОБИЛОВ.

ҚИЁМАТЛИ ДЎСТЛАР ВАСФИ

«Шукуҳли карвон»* билан йўлга чиқдим қирқ ёшда,
Навоий бўлиб сарбон ихрожни кўрдим бошда.

Самарқанди азимдан Ҳиротга айлаб сафар,
Узоқ йўлда гоҳ қотдим, гоҳо ёндим оташда.

Наҳри Жайҳунни кечиб, Салангдан учиб ўтдим,
Илҳом тулпорин изи қолди тоғ ила тошда,

Ҳиротга қадам қўйсам экан «Нотинч Хуросон»*,
Темурбек сулоласи тож ила тахт талошда.

Сулҳга чорлаб Навоий сузди «яраш оши»ни,
Умид донини кўрди Ҳиндиқуш каби чошда.

У туфайли осойиш топди мулки Хуросон,
Адл уйи жилобахш меъмер ила наққошда.

Хожа Аҳрор саломин еткурдим улуғларга,
Қуллуқ қилди аҳли дин меҳр кўриб қардошда.

«Сокин Хуросон»* аро кезиб, кўздан йўқолдим,
Элу юртнинг қисмати тош ўқталган авбошда.

Узлатга бўлиб банда чекдим жабру мазаллат,
Меҳру оқибат қолди қайғурган қариндошда.

Қалам бўлиб таянчим, сажда қилдим қоғозга,
Алам ўти ёндию рамзин кўрди қуёшда.

Юрак-бағрим хун қилди яна «Қонли Хуросон»,*
Мўмин мирзо қатлидан фиғон кексаю ёшда.

Яradор арслон янглиғ фарёд қилди Навоий,
Набиракуш султондан кўзлари селоб ёшда.

Бу дарднинг йўқ давоси — қиёматли дўст эрур,
Қиёматда ўзгайдир қарзини, кўкалдош-да.

Навоий билан кезиб неча ёзу, неча қиш,
Фасли баҳорга етдим, ҳар қалай, ҳақ нурпош-да.

Хуросонни тарк этдим — лек ёди қалбда, Барот,
«Навоийнома»* тугаб, мулоқот этдим Шошда!

*)—асарларнинг номлари.

КАРВОН ЙЎЛИДА УНИНГ ИЗЛАРИ

Эргаш УМАРОВ,
филология фанлари доктори

Маълумки, Алишер Навоий 1465—1469 йилларда Самарқандда ўқиган. Ўқишга у Ҳирот—Самарқанд карвон йўли орқали борган. Ўрта асрлардаги бу карвон йўли жанубий Ўзбекистон осори атиқаларининг йирик тадқиқотчиси, тарих фанлари доктори Э. В. Ртвеладзе кўрсатишича, Ҳирот — Андҳой қисми якка йўлдан иборат. Андҳойдан бошлаб СССР территориясига ўтгач, карвон йўли иккига бўлинади. Бири ҳозирги Қашқадарё ҳудудидан ўтадиган Карки—Қарши—Кеш—Шаҳрисабз— Самарқанд, иккинчиси Сурхондарёдан ўтадиган Карки—Калиф — Термиз — Дарбенд — Кеш—Самарқанд карвон йўлларидир.

Агар Самарқанд мадрасасидаги беш йиллик ўқиш октябрда бошланиб, апрелда тугашини қисобга олсак, у вақтда шоир бу йўллардан ўн марта юрган бўлади.

Алишер Навоийнинг бу йўллардан юрганлигини унинг асарларида ишлатилган кўплаб сўзларда кўриш мумкин. Ушбу мақолада улардан айримлари ҳақида тўхталамиз.

Унинг асарларида қаламга олинган деярли ҳамма уруғ, чунончи, барлос, арлот, малиш, яғмо, чигил, мирак, бек, чуют, қарлуқ, қовчин, халаж, сарой, араб, лўли, ҳинди, юз, минг ва бошқалар асосан жанубий Ўзбекистон ҳудудида учрайди. Айниқса, сулдуз ва арман уруғлари фақат бу ерларда учраши билан Ўзбекистоннинг бошқа ерларидан тубдан фарқ қилади. «Наводир уш-шабоб» девонидаги сулдуз уруғи:

Навоий севди бир лўлини
кездик рубъи маскунда,
Агар арлот, агар барлос,
агар тархон, агар сулдуз.

Ўзбекистоннинг жанубида яшовчи халқлар тарихининг йирик билимдони профессор Б. Кармишеванинг қайд қилишича, улар Сариосиё районидаги Сангардак қишлоғида яшайдилар.

Армани уруғи:
Арманидур гўйиё ул шўх
кофур, туркман,
Ким етар дин мулкига кофур
кўзи яғмоси чўх.

Ўзбек қомусида кўрсатилишича, 1924 йил аҳоли рўйхатидаёқ Сурхондарёда яшашлиги қайд қилинган. Б. Кармишева асарларида 1914 йилда ҳам бу уруғ шу ерларда яшаганлиги таъкидланади. Шу муносабат билан «Фарҳод ва Ширин»даги кўп эпизодлар жанубий Ўзбекистон билан боғлиқ деган фикрдамиз. Достонда учровчи табиат манзаралари, ўсимлик ва ҳайвон номлари буни тасдиқлайди.

Тўққиз табақ. Бу ибора «Лайли ва Мажнун» достонида Мажнун билан Наъфал қизининг никоҳ кечасига бағишланган бўлимида учрайди:

Ой бирла қуёшни айлади акд,
Бошн узра сочдилар басе нақд.
Чун меҳр келин киби ёшунди,
Тун ерга куёв киби букунди.
Ғардун кўрубон бу иш мувофиқ,
Келтурди тўққиз табакда сочиқ.

● Ҳирот — Самарқанд карвон йўли харитаси.

Бу ердаги тўққиз табақ ибораси асосида қадимда куёвнинг келин уйига борганда унинг олдига қўйиладиган тўққиз хил совғаси назарда тутилмокда. Бу одат ҳали ҳам Қашқадарё, Сурхондарёдаги тўйларда бор. Бу ердаги тўйларда шу кеча-кундузда ҳам куёв олдига тўққиз товокда тўққиз хил овқат келтирилади: 1. Ширбиринч, 2. Мояк (тухум); 3. Ғилвинди; 4. Холвайтар; 5. Қаризилик (ошиқли илик); 6. Новвот; 7. Калла поча; 8. Қат патир; 9. Қатлама.

Юқорида қайд қилинган тўққуз табақ ибораси биринчидан Алишер Навоийнинг туркий халқ оғзаки ижодини яхши билганлигини кўрсатадиган факт сифатида диққатга сазовор бўлса, иккинчидан унинг Ҳиротдан Самарқандга ўқишга келиши Қашқа ва Сурхон воҳалари орқали ўтадиган карвон йўлидан юрганлигини исботлайдиган далил сифатида катта аҳамиятга эга.

Алишер Навоий жанубий Ўзбекистон орқали юрганлигини унинг асарларида учровчи йўрунчқа—беда сўзи ҳам исботлайди:

Яна ани дема сабзаким,
ул йўрунчқадурур,
Ки неча яхшироқ ўрғон сайн
чиқар кўпрак.

Шевашунос профессор А. Шерматовнинг кўрсатишича, сўзнинг айнан ушбу шакли Қашқадарё вилояти учун хос.

«Лайли ва Мажнун» достонида осмоқ—қозон осиб қўядиган асбоб сўзи:

Осмоқдин анинг қозони тушмай,
Тун-кун ўти ўчгали ёвушмай

шевашунос Болта Жўраев китобида кўрсатилишича, юқори Қашқадарёнинг Мироқи даҳасида ҳозир ҳам ишлатилади.

Хуллас, бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Улар Алишер Навоийнинг ҳақиқатан ҳам жанубий Ўзбекистон орқали ўтадиган карвон йўлидан юрганлигини тасдиқлайди.

МАЪМУРИЙ-ҲУДУДИЙ ЁНҒИН

УНИ КИМ АЛАНГАЛАТМОҚДА?

Айтадиларки, икки марта кўчган киши битта ёнғинни кўрган билан тенг бўлармиш. Томди ноҳияси ташкил этилган 1928 йилдан бери 2,5 марта ёнғинга дуч келган. Негаки, у бир вилоятдан бошқасига беш марта кўчган. Аввалига Қорақалпоғистон таркибида бўлган. Кейин Бухоро, Навоий, Самарқанд вилоятларида юрди. Ҳозир яна Бухоро вилоятида. Ноҳия аҳолиси ёнғинлар миқдори учтага етмасайди, деб хавфсирамоқда. Янги маъмурий-ҳудуднй қайта ўзгартишлар тўғрисида миш-мишлар, қандайдир «ташаббускор гуруҳ» фаолияти ҳақида гап-сўзлар оралаб қолган. Бу гуруҳ Навоий вилоятини қайта тиклашни ўз олдига мақсад қилиб қўйган экан.

Дарҳақиқат, шундай масала мавжуд. Республиканинг раҳбар идораларига вилоятни тиклаш ҳақидаги таклифлар битилган хатлар ва телеграммалар келиб турибди. Уларнинг бирида ҳатто шундай дейилади: «Навоий минтақасида катта кўнгилсизликлар рўй беришини кутмасдан Навоий вилоятини тиклаш тўғрисидаги масалани ҳал этишингизни сўраймиз. Халқ фақат ижобий жавоб берилишини сабрсизлик билан кутмоқда».

Ҳақиқатан ҳам шундайми? Халқ ростдан ҳам Навоий вилоятн тугатилганлигидан норозими?

Ўтган йил охирида бу масалани махсус тузилган республика комиссияси кўриб чиқди. Ишларнинг ҳақиқий аҳволи холисона, минтақанинг ўзига хос хўжалик хусусиятлари, меҳнаткашларнинг фикр-мулоҳазалари ўрганиб чиқилди. Шунда Навоий вилоятини қайта тиклаш мақсадга мувофиқ эмас, деган хулосага келинди.

Хўш, бу ёнғинни кимлар алангалатмоқда! Нима учун!

...1988 йилда Навоий вилояти тугатилганда область партия комитетидан бошқа бironта вилоят идорасига ҳеч ким узоқ ҳафталар ва ойлар мобайнида бironта масала юзасидан мурожаат қилгани йўқ. У ерда идоралар ёпилишини кутишар, ишларни топширишар, янги жойга ишга жойлашиш учун ҳаракат қилишарди. Жойларда эса ишлар туриб қолган эди. Кейин Самарқанд вилоятига қўшилишди. Яна ишлар қимирламай тураверди. Вилоят идоралари аввалгидек ўзларига қўшилган янги ноҳияларнинг талаб-эҳтиёжларига бепарволик билан қарашди. Навоий-Зарафшон зонасини Бухоро вилоятига беришларини кутишди. ...Ва ниҳоят, бу минтақа қўшилгач, ушбу зонанинг корхоналари ва хўжаликларини Бухоро вилоятининг асосий ишлаб чиқариш кўрсаткичларига тиркаб қўйдилар. Маҳсулотлар етказиб бериш бўйича планлар ва мажбуриятларнинг бажарилмаслиги, меҳнат унумдорлигининг пасайганлиги — ноҳияларни у ёқдан бу ёққа чўчқариш оқибатидир.

Имонимиз комилки, яна тартибсизликка ва бошбошдоқликка қайтишга, вилоятни тиклаш учун бевосита ва билвосита қилинадиган сарф-харажатларга даъватни ишлашни ёқтирадиган кишилар талаб этаётгани йўқ. Бу даъватлар бошқалардан чиқмоқда.

Навоий вилоятини қайта тиклаш талабгорлари нимани хоҳлашяпти? Бунга жавоб бериш осон. Дарҳақиқат, ушбу масалага оид хатлар анчагина. Аммо хат-хабарларнинг ҳаммасида вилоятни қайта тиклаш тўғрисидаги талаблар битилган, дейиш хато бўлур эди. Навоий минтақаси аҳолисининг ўзи ҳам унчалик қатъий талаблар қўяётгани йўқ. Вилоятнинг қайта тиқланишига қарши чиқаётганлар хатжилдга ўз исм-шарифларини, манзилгоҳларини ошкора ёзмоқдалар. Жамоатчилик фикри ўзгартирилиб кўрсатилар экан, шунинг ўзи вилоятни тиклашни талаб қилаётган кишилар нима мақсадларни кўзда тутаётганлигини айтиб турибди. Хўш, улар нимага эришмоқчилар? Уларга раҳбарлик лавозимлари керак. Навоий вилоятини қайта тиклаш учун курашаётган «ташаббускор гуруҳ» таркибида тугатилган область идораларида ишлаган собиқ мансабдор шахслар бор.

Яқин ўтмишда ўтказилган маъмурий-ҳудудий ўзгартишларда хатоларга йўл қўйилган эди. Маълумки, 1988 йил сентябрида Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши сессиясида республика халқ хўжалигини бошқаришнинг Бош схемаси тасдиқланган эди. Бу схема, жумладан, вилоятлар ва ноҳияларда структураларни ўзгартиришни, улардан бир қанчаларини иқтисодий жиҳатдан районлаштириш ва бошқарув самарадорлигини ошириш қоидаларига биноан қўйиш ва мустаҳкамлашни кўзда тутган эди. Амалда бу ғоя тўғри эди. Бироқ уни рўёбга чиқаришда масалага нохолисона ёндашиш холис қарашлардан устунлик қилди. Қайта ташкил этишларнинг йўналиши ва усуллари шошмашошарлик билан қабул қилинган, турли минтақалардаги табиий-иқтисодий ресурслар қанчалиги ва улардан қандай қилиб фойдаланиш ҳисобга олинмаган, маҳаллий шарт-шароитлар ва хусусиятлар ҳамда қарор топган алоқалар, тарихий ва нуфус жиҳатлари ҳисобга олинмаган эди. Муаммони ҳал этишда яна волюнтаристик, маъмурий-буйруқбозлик усули ғолиб чиқди. Оқибатда халқ хўжалиги неча юз миллион сўмлаб зарар кўрди. «Қайта ташкил этилган» минтақаларнинг аҳолисига, айни пайтда республика давлат идоралари обрў-эътибориga етказилган маънавий зарарни эса пул билан ўлчаб бўлмайди.

Маълумки, бу хатони тўғрилашга тўғри келди.

Навоий вилоятига келганда эса, хато ундан илгарироқ, 1982 йилда қилинганини тан олиш лозим. Бухоро вилояти таркибидан айрим районларни тузиш тўғрисидаги қарор пухта ўйлаб кўрилмаган эди. У иккала зона — ҳам Бухоро, ҳам Навоий зоналари иқтисодий тараққиётига тўсқинлик қилди. Чунки, сув, транспорт, энергетика системалари ўртасидаги алоқалар бузилди. Оқилона ташкил этилган хўжалик алоқалари барбод бўлди. Минерал хом ашё ва қайта ишлаш базалари бирлигига путур етди. Бой минерал-хом ашё ресурсларига эга Навоий вилоятига ишлаб чиқариш структураси бир томонлама бўлган қайта ишлаш қувватлари тиркалди.

Бошқа мисол келтирайлик. 1965—1977 йилларда Бухоро вилоятида насос станциялари тизмасига эга Аму — Бухоро каналининг биринчи ва иккинчи навбатлари қурилди. Кейинчалик Қизилтепа, Қуйимозор насос станциялари, Қуйимозор ва Тўдакўл сув омборлари, Тошрабод ва Хархўр гидроузеллари Навоий вилояти ҳудудига ўтиб қолди. Икки вилоят ўртасида англашилмовчиликлар юзага келди. Сувдан фойдаланишда келишмовчиликлар авж олди. Калаванинг учи чувалди. Қизилтепа насос станцияси Ғиждувон, Вобкент, Шофиркон ва Бухоро ноҳиялари экин майдонларини суғорса, Қуйимозор сув омбори Бухоро ва Когонга ичимлик сув етказадиган ягона манба бўлиб қолган эди.

Кўриниб турибдики, Бухоро ва Навоий вилоятларини бирлаштириш, энг аввало, республика ва Умуминттифоқ меҳнат тақсимотидаги ишлаб чиқариш ихтисослашувининг, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши ихтисослашувининг умумийлиги, сув хўжалиги, транспорт ва энергетика системаларининг узвий алоқадорлиги, табиий-иқлимий ва ландшафт шарт-шароитлари бир хиллиги билан боғлиқ эди. Шу туфайли бу тадбир мақсадга мувофиқ чиқди.

Ишлаб чиқариш манфаатлари муҳим. Бироқ одамларнинг манфаати ундан ҳам муҳимдир. 1990 йилда комиссия хатлар ва аризаларни кўриб чиқаётганда ана шундан келиб чиқди ва Навоий вилоятини қайта тиклаш тўғрисидаги илтимосларни инобатга олмади.

Очиғи, одамлар ҳадеб у областдан бу областга ўтаверишдан чарчадилар. Баъзан эса ўзларини ўгай болардек ҳис этадиган бўлиб қолдилар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг миллий муносабатлар бўйича комиссиясига Навоий зонасига мансуб Томди ноҳияси аҳолисидан хат тушди. «Ноҳиямиз у областдан бу вилоятга кўчавериб, ижтимоий-иқтисодий тараққиётда анчагина орқада қолди. Биз, Томди ноҳияси меҳнаткашлари якдиллик билан Навоий вилояти тикланишига қарши чиқамиз. Биз Бухоро вилояти таркибида бўлишни истаймиз. Бизларни бухороликлар билан дўстлик, маданий ва иқтисодий муносабатлар боғлаб турибди. Бу алоқалар бузилмаслиги зарур», дейилади унда. Бундай фикр-мулоҳазаларни Навоий зонасининг бошқа шаҳар ва районларида ҳам эшитиш мумкин.

Вилоятлар қўшилгани билан ҳеч ким камситилмади. Халқ хўжалиги мажмуи тўхтовсиз ишлаб туришини таъминлаш, чакана савдо системасини моллар билан тўлдириш, бир қатор корхоналар, ташкилотлар ва хўжаликларнинг молиявий аҳволини мустаҳкамлаш учун чора-тадбирлар кўрилди. Аҳолини, қўшилган ҳудудлар ҳисобга олиниб, иш билан таъминлаш бўйича шошилинч тадбирлар тасдиқланди. Вилоятни 1990 йил ва 1991—1995 йилларда ривожлантиришнинг комплекс тармоқ дастурлари қайта кўриб чиқилди.

Таҳлиллар кўрсатмоқдаки, ўтган йили Бухоро вилоятида молларнинг асосий турларини тақсимлаш чоғида шимолий ноҳиялар (собиқ Навоий вилояти таркибидаги районлар)нинг шарт-шароитлари ҳисобга олинди. Чунки, у ерлардаги табиий-иқлимий кўрсаткичлар анча мураккабдир. Қолган барча ноҳиялар эса, улар Бухоро вилояти таркибида қачондан бери бўлишларидан қатъи назар, вилоят аҳолиси структурасидаги салмоғига қараб фондларни олдилар. Зарур объектлар қурилишида ҳам маҳаллий Кенгашлар капитал маблағларни ажратишда шу тарзда иш олиб борди.

Навбаҳор ва Томди ноҳияларини ривожлантиришнинг тармоқ дастурлари рўёбга чиқарилмоқда. Мураккаб экологик аҳволга тушиб қолган Конимех, Учқудуқ, Томди ноҳияларини тараққий эттириш учун қўшимча маблағларни жалб этиш тўғрисидаги масала ҳал этиляпти. Навоий зонаси шаҳарлари ва ноҳияларида ишлаб чиқариш имкониятларини кўпайтириш, транспорт хизмати кўрсатишни яхшилаш, барқарор телекўрсатувлар олиб беришнинг таъминлаш учун чора-тадбирлар кўрилмоқда.

Ҳа, ҳамма эҳтиёжлар учун, афсуски, маблағлар етишмайди. Қийинчиликлар бор. Лекин бундай машаққатлар қаерда йўқ? Навоий вилоятини тиклаш тўғрисидаги уйдирма масала атрофида эҳтиросларни авж олдириш қийинчиликларни камайтирмайди. Аксинча уларни кўпайтиради, холос.

СССР ОЛИЙ КЕНГАШИ РАЁСАТИНИНГ МАЖЛИСИ

7 февраль куни Кремлда А. И. Лукьянов раислигида СССР Олий Кенгаши Раёсатининг мажлиси бўлиб ўтди.

Мажлисда 50 ва 100 сўмлик пулларни алмаштиришга оид ишларнинг дастлабки якунлари тўғрисида, шунингдек истеъмол бозорини барқарорлаштириш ҳамда СССР халқ депутатлари Съездларининг ва СССР Олий Кенгашининг қарорларига мувофиқ нарх сиёсатини ўтказиш юзасидан ҳукумат белгилаётган келгусидаги тадбирлар тўғрисида СССР Бош вазири В. С. Павловнинг ахбороти тингланди. Раёсат Вазирлар Маҳкамаси тақдим этган таклифларни қўллаб-қувватлаб, амалга оширилаётган тадбирларни товон тўлаш чоралари ва аҳолини ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилишни кучайтириш билан мустаҳкамланган ҳолда ушбу масалалар барча иттифоқдош ва мухтор жумҳуриятлар томонидан бир вақтда ҳал этилиши зарурлигини таъкидлади.

Халқаро ишлар комитетининг раиси А. С. Дзасоховнинг ахбороти асосида СССР Олий Кенгашининг 1991 йилга мўлжалланган халқаро алоқалар режаси кўриб чиқилди ва маъқулланди.

СССР Олий Кенгашининг комитетлари ва унинг палаталари комиссиялари таклиф этган ва СССР Олий Кенгашининг бўлажак сессиясида кўриб чиқиш учун топширилган масалалар рўйхати маъқулланди. Ушбу масалалар иқтисодий ислоҳот ўтказиш, жамиятни ижтимоий ривожлантириш, қонунчилик ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлашга оид кўпдан-кўп муаммоларни ўз ичига олади.

ССР Иттифоқининг тақдири тўғрисида 1991 йил 17 март куни референдум ўтказишга қандай тайёргарлик кўрилаётгани муҳокама қилинди. Мазкур масала юзасидан СССР референдуми Марказий комиссиясининг раиси В. П. Орловнинг ахбороти тингланди. Раёсат Умуминттифоқ референдуми тўғрисидаги қонун талаблари ва унда кўзда тутилган ҳар бир совет фуқароси ўз хоҳиш-иродасини эркин ифодалаши кафолатлари бутун мамлакат ҳудудида қатъиян бажарилишини таъминлаш зарурлигини яна бир бор таъкидлади.

Мажлисда давлат турмушига доир баъзи бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди.

(ТАСС).

ТВ: Кўрсатувлар тартиби

11—17 февраль

• 11, душанба

● ЎзТВ-I

18.00 Янгиликлар. 18.05 Мультфильм. 18.15 «Билимдон мунажжим». Болалар учун эртак. 19.15 Халқаро ҳаёт. 19.30 Ахборот. 19.50 Санъат оламида. 20.25 Тижорат хабарлари. 20.30 Ахборот. 20.50 «Камолот сари». 21.30 Время. 22.15 «Мерос». 23.20 «Ҳаёт қувончлари ва ташвишлари». 00.40 Янгиликлар.

● ЎзТВ-II

19.05 «Ассалому алайкум». 20.05 «Спринт». 20.20 «Кадр ва кадр ортидан». Кинокўрсатув. 21.30 **Душанбе кўрсатади. Телетомошабинлар диққатига! Профилактика муносабати билан 11 февраль куни МТ-I кўрсатувлари соат 7.00 дан 15.30 гача ЎзТВ-I канали орқали намойиш этилади.**

● МТ-I

7.00 «Тонг» (120+30). 9.30 «Мулоқот». Иқтисодий шарҳ. 9.45 Мультфильм. 10.05 «Бу Пеньковда содир бўлган эди». Бадиий фильм. 11.40 Фламенко рақсга тушади. (Испания). 12.10 Илмий-оммабоп фильм. 12.30 «ТСН». 12.45 «Ёқмаса ўчириб қўйинг». Ҳажвий дам олиш кўрсатуви. 13.45 «Қанотн қайрилган қуш». Александр Дейнока. 14.25. «Чаплиннома». Ч. Чаплин мусиқасига яратилган фильм-балет. 15.30 «ТСН». 15.45 Телетомошабинларнинг талабларига биноан. «Гаровга тикилган ҳаёт». Бадиий фильм. 1-фильм. (Польша). 16.40 Мультфильм. 17.10 Мусиқий хазина. 18.00 Болалар соати. 19.00 «ТСН». 19.15 Бозор қонунларига биноан. 19.45 «Мулоқот». Иқтисодий шарҳ. 20.00 «Кумуш қўллар». Бадиий фильм. 21.30 Время. 22.15 «Отелло». Фильм-спектаклнинг премьераси. 01.00 «Фақат мюзик-холлда». Бадиий фильм. 02.05 «Биринчи қаторга чипта». Совет эстрадаси пешқадамлари.

● МТ-II

9.00 Эрталабки бадантарбия. 9.15 Илмий-оммабоп фильм. 9.35, 10.35 Адабиёт. 10.05 Итальян тили. 11.05 Бугунги Буюк Британия. 11.35, 12.35 Астрономия. 12.05 Рус тили. 13.05 Ф. Пуленок романсларини Е. Иванова ижро этади. 13.25 «Планета». Халқаро программа. 14.25 Олег Кирюшкин пантомимаси. 14.55 РСФСР шаҳарлари телестудиялари. «Қалб қуйлайди ва йиғлайди». Фильм-концерт. 15.25 Чанғи спорти. Жаҳон чемпионати. 18.00 «Георгий Мостовой ва бешқалар...». 18.30 Телевизион мусиқий абонемент. 19.30 Конькида югуриш спорти. Жаҳон чемпионати. 20.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! 20.45 РСФСР шаҳарлари телестудиялари. «Раиснинг машаққатли йили». (Йошкар-Ола). 21.25 Коллаж. 21.30 Время. 22.15 «Биз — фарзандларингизмиз». Бадиий фильм. 1 ва 2-сериялар.

• 12, сешанба

● ЎзТВ-I.

18.00 Янгиликлар. 18.05 «Шоҳ Султон ҳақида эртак». Болалар учун фильм. 19.00 «Саноат одимлари». 19.30 Ахборот. 19.45 «Ой бориб, омон қайт». 20.30 Ахборот. 20.50 Дутор ва танбур тароналари. 21.30 Время. 22.15 Спортлото. 22.20 Хотира. СССР халқ артисти Олим Хўжаев таваллудининг 80 йиллигига бағишланган кеча. 23.50 Янгиликлар.

● ЎзТВ-II

19.05 «Тошкент» студияси кўрсатади. «Учрашув». 20.00 «Лаҳза». 20.10 «Учрашув» кўрсатувининг давоми. 21.30 **Душанбе кўрсатади.**

● МТ-I

7.00 «Тонг». (120+30). 9.30 Долзарб репортаж. 9.45 «Дарвоз». Ҳужжатли фильм. 10.00 Болалар соати. 11.00 «Кумуш қўллар». Бадиий фильм. 12.30 «ТСН». 12.45 «Чўнтакдаги джаз». Владимир Чекасин. Фильм-концерт. 13.45 «Фақат мюзик-холлда». Бадиий фильм. 15.30 «ТСН». 15.45 «Гаровга тиккилган ҳаёт». Бадиий фильм. 2-фильм. 16.50 «Аминманки...». Ҳужжатли фильм премьераси. 17.35 Мультфильм. 18.00 СССР ички ишлар вазирининг ўринбосари С. Г. Лисаускасниг чиқиши. 18.15 Болалар мусиқий клуби. 19.00 «ТСН». 19.15 «Четдаги кишининг маслаҳаткори». 20.00 МТда Пекин телевиденнеси таништирилади. 20.20 «Буюк Хитой деворн». Ҳужжатли фильм премьераси. (ХХР). 20.40 «Бинафшаранг хаёллар». Бадиий фильм премьераси. (ХХР) 1-серия. 21.30 Время. 22.15 «ВИД» таништиради: «Мўъжизалар майдони». 23.00 «Хитой рицаррлари». Бадиий фильм премьераси. 1 ва 2-сериялар. (ХХР). 00.35 «Матонат». Бадиий фильм. 1-серия. 01.40 «Худди эски кинодагидек».

● МТ-II

9.00 Эрталабки бадантарбия. 9.15 Илмий-оммабоп фильм. 9.35, 10.35 Физика. 10.05, 11.05 Француз тили. 11.35, 12.35 Мусиқа. 12.05 «Сиз яратган боғ». 13.05 Галина Беседина куйлайди. 13.25 Мультфильм. 13.45 Ритмик гимнастика. 14.15 «Итга нон». Телеспектакль. 15.25 Чанғи спорти. Жаҳон чемпионати. 17.30 «Шундай яшаяпман». Ҳужжатли фильм. 18.00 Ф. Мендельсон. 4-италянча симфония. 18.25 «Вертикаль». «Қайрилиб боқ ва эсла». 19.00 Ритмик гимнастика. 19.30 Чанғи спорти. Жаҳон чемпионати. 20.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! 20.45 Ҳужжатли фильм. 21.00 РСФСРда хизмат кўрсатган артист Л. Рюмина куйлайди. 21.30 Время. 22.15 «Ялта-91». Эстрада қўшиқлари танлови. 00.45 Чанғи спорти. Жаҳон чемпионати.

• 13, чоршанба

● ЎзТВ-I

9.00 «Мўлжалга қўниш». Телефильм. 9.30 «Алангали болалик йиллари». Бадиий фильм. 10.40 «Яраланган қуш ҳамон учмоқда». Видеофильм. 18.00 Янгиликлар. 18.05 Болалар учун фильм. 19.00 «Қувноқлар даврасида». 19.30 Ахборот. 19.50 «Мувозонат». 20.20 Катталар учун мультфильм. 20.30 Ахборот. 20.50 Хонандалар Маҳбуба Ҳасанова ва Бекназар Дўстмуродовлар куйлайди. 21.30 Время. 22.15 «Инсон ва қонун». 23.10 «Олтин бешик». 00.35 Янгиликлар.

● ЎзТВ-II

19.05 «Тошкент» студияси кўрсатади. 20.00 «Пульс». Хабарлар. 20.10 Фильм-концерт. 20.50 «Миришкорлар». 21.30 **Душанбе кўрсатади.**

● МТ-I

7.00 «Тонг». (120+30). 9.30 «Ишчан чопар». 9.45 «Болалар мусиқий клуби». 10.30 «Бинафшаранг хаёллар». Бадиий фильм, 1-серия. 11.20 Мультфильм. 11.40 «Хитой рицаррлари». Бадиий фильм. 1-серия. 12.30 «ТСН». 12.45 «Хитой рицаррлари». Бадиий фильм. 2-серия. 13.35 Фильм-концерт. 14.25 Мультфильм. 14.40 Халқ чолғулари ижрочилари IV Бутунроссия танлови. 15.30 «ТСН». 15.45 «Гаровга тикилган ҳаёт». Бадиий фильм, 3-серия. 16.40 Ҳужжатли фильм. 17.20 «1991—Моцарт йили». 17.40 Болалар соати. 18.40 РСФСР халқ артисти О. Воронец куйлайди. 19.00 «ТСН». 19.15 «Нодипломатик суҳбатлар». 19.40 Скифларнинг «Ала ва Лолдий» сюитаси. 20.00 «Лунгандаги ярмарка». Ҳужжатли фильм. 20.40 «Бинафшаранг хаёллар». Бадиий фильм, 2-серия. 21.30 Время. 22.15 «Ли Дачжао». Бадиий фильм. 1-серия (ХХР). 23.40 «Опера шинавандалари клуби». 00.45 «Матонат». Бадиий фильм. 2-серия, 1-қисм. 01.40 «Шекспирнома».

● МТ-II

Телетомошабинлар диққатига! Профилактика муносабати билан чоршанба, 13 февраль куни МТ-II кўрсатувлари соат 17.45 дан бошлаб кўрсатилади. 17.45 Россиянинг ҳужжатли экрани. 19.15 «Кинопанорама». 20.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! 20.45 Россиянинг парламент хабарномаси. 21.00 Концерт. 21.30 Время. 22.15 Хоккей. СССР чемпионати. «Сокол» — «Спартак». 24.00 Телеспектакль.

• 14, пайшанба

● ЎзТВ-I

9.00 «Ҳужжатли экран». Кинопрограмма. 10.00 «Бембининг ёшлиги». Бадиий фильм. 11.05 «Ниҳол». Болалар учун кўрсатув. 11.50 «Лада хоржда». «Фермерларга талаб». Телефильмлар. 18.05 Мультфильм. 18.15 Эртаклар яхшиликка етакладилар. 18.45 «Умумхалқ муқокамасида». 18.55 «Алифбо сабоқлари». 19.30 Ахборот. 19.50 Элга хизмат: талаб ва таклиф. 20.30 Ахборот. 20.50 Ёшлар куйлаганда. 21.30 Время. 22.10 Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг навбатдан ташқари тўртинчи сессиясида. 22.30 «Рақсларда умр баҳори». Ўзбекистон халқ артисти Қизлархон Дўстмуҳамедова. 23.30 Янгиликлар.

● ЎзТВ-II

19.05 «Тошкент» студияси кўрсатади. «Бугун оқшомда». 21.30 **Душанбе кўрсатади.**

● МТ-I

7.00 «Тонг». (120+30). 9.30 Ички ишлар вазирлигининг маълумотларига кўра. 9.45 Болалар соати. 10.45 «Бинафшаранг хаёллар». Бадиий фильм, 2-серия. 11.30 Т. Вольская чалади. 11.40 «Белкин қиссалари». «Тобутсоз». Телеспектакль. 12.30 «ТСН». 12.45 Опера шинавандалари клуби. 13.45 «Жамайка». Бадиий фильм, 1-серия. 15.40 «ТСН». 15.45 «Гаровга тикилган ҳаёт». Бадиий фильм, 4-серия. 16.55 Кичик концерт. 17.10 Болалар учун фильм. «Топинамбурлар». 1-серия. 18.15 «...16 ёшгача ва ундан катталар». 19.00 «ТСН». 19.15 В. Крайнев чалади (фортепьяно). 19.55 «Пекин манзаралари». Ҳужжатли фильм. 20.40 «Бинафшаранг хаёллар». Бадиий фильм, 3-серия. 21.30 Время. 22.15 Ички ишлар вазирлигининг маълумотларига кўра. 22.30 «Ли Дачжао». Бадиий фильм премьераси, 2-серия. 23.45 Осиё ўйинларининг очилиши. Ҳужжатли фильм. 01.10 «Матонат». 02.10 Сизни София Ротару таклиф этади.

● МТ-II

9.00 Эрталабки бадантарбия. 9.15 Илмий-оммабоп фильм. 9.35 ва 10.35 Адабиёт. 10.05 ва 11.05 Испан тили. 11.35, 12.35 Адабиёт. 12.05 Экранда 01 хизмати. 13.05 «Бувимнинг хонадони». Ҳужжатли фильм. 13.25 Ритмик гимнастика. 13.55 Россиянинг ҳужжатли экрани. 15.25 Чанғи спорти. Жаҳон чемпионати. 18.00 Ҳужжатли фильм. 18.10 С. Цвейг. «Генделнинг қайта тирилиши». 19.40 Ритмик гимнастика. 20.10 «Млада» хори куйлайди. 20.30 Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.45 Йил фасллари. Февраль. 21.30 Время. 22.15 Мультфильм. 22.25 «Куйинг мангу янграйверсин!». Мусиқий телефильм. 22.50 Хоккей. СССР чемпионати. МАСК — «Динамо».

• 15, жума

● ЎзТВ-I

9.00 Гўзаллик оламига саёҳат. Кинопрограмма. 10.00 Араб тили. 10.30 «Сато». Фильм-концерт. 10.50 Телефильм. 11.25 «Мен сизни севардим». Бадиий фильм. 18.00 Янгиликлар. 18.05 Мультфильм. 18.55 Тадбиркор кишилар. 19.25 Тижорат хабарлари. 19.30 Ахборот. 19.45 «Бунёдкор». Якун ва режалар. 20.30 Ахборот. 20.50 Навоийхонлик. 21.30 Время. 22.15 Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг навбатдан ташқари тўртинчи сессиясида. 22.45 Дилдаги гаплар.

● ЎзТВ-II

19.05 Инсон ва атроф-муҳит. 19.35 Жамоат ташкилотларида. 20.00 «Пульс». Хабарлар. 20.10 «Жазирама қуёш остида». Бадиий фильм. 21.30 **Душанбе кўрсатади.**

● МТ-I

7.00 «Тонг». (120+30). 9.30 Мультфильмлар. 10.00 «...16 ёшгача ва ундан катталар». 10.45 «Бинафшаранг хаёллар». Бадиий фильм, 3-серия. 11.35 Л. Лешченко концерти. 12.30 «ТСН». 12.45 Телевизион ҳужжатли фильм. 14.05 «Жамайка». Бадиий фильм. 2-серия. 15.15 Сиктивкар шаҳар баянчилар триоси чалади. 15.30 «ТСН». 15.45 «Гаровга тикилган ҳаёт». Бадиий фильм. 5-фильм. 16.40 «Агар сиз...». 17.25 Болалар учун фильм. 18.30 Сиз яратган боғ. 19.00 «ТСН». 19.15 Ҳужжатли фильм 19.30 «ВИД» программаси. 19.45 «Маймунлар подшоси деварни енгади». Мультфильм. 21.30 Время. 22.15 «ВИД» программаси. 01.20 «Матонат». Бадиий фильм. 3-серия. 02.25 «Миср тунлари».

● МТ-II

9.00 Эрталабки бадантарбия. 9.15 «Москва, сен ҳақингда ўйлайман..». 9.35, 10.35 Тарих. 10.05, 11.05 Инглиз тили. 11.35 Теварак-атроф билан таниш. 11.55 Билимдонлар учун машқ. 12.55 «Сўз билан юзма-юз». 13.45 Чанғи спорти. Жаҳон чемпионати. 14.30 Навбат сизга, артист. 14.55 Чанғи спорти. Жаҳон чемпионати. 18.15 Иттифоқдош жумҳуриятлар кинопублицистикаси. 19.00 Спорт ҳамма учун. 19.15 Россиянинг парламент хабарномаси. 19.30 «Ҳозир ҳам, келажакда ҳам». Ҳужжатли фильм. 20.30 Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.45 Концерт. 21.30 Время. 22.15 «Алвидо, ғўр ёшлигим». Бадиий фильм. 23.40 Мусиқий телефильм. 00.15 Хоккей. СССР чемпионати. «Химик» — «Динамо» (Москва).

• 16, шанба

● ЎзТВ-I

8.00 Ассалому алайкум. 9.00 «Хаёлпарастлар». Бадиий фильм. 10.05 Санъат усталари. 11.35 Болалар учун театр. 12.55 «Отларни қўмсаймиз». Телефильм. 13.25 Чорвадор. 13.55 Концерт. 14.20 Суғурта: оммага ёрдамчи. 18.00 «Ўйла, изла, топ!» 19.00 Ўзбек тилини ўрганамиз. 19.30 Ахборот. 19.55 «Ўзбекистон» киножурнали. 20.15 Оқшом эртаклари. 20.30 Ҳафтанома. 21.30 Время. 22.15 Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг навбатдан ташқари тўртинчи сессиясида. 22.45 «Мозийдан бир саҳифа». Ҳабибулла Қодирийнинг «Отам ҳақида» асари асосида видеофильм, премьераси, 1-қисм.

● ЎзТВ-II

9.00 **Душанбе кўрсатади.**

● МТ-I

7.00 Мамлакат фольклор жамоаларининг концерти. 7.30 Мультфильмлар. 7.45 Спорт ҳамма учун. 8.00 Ритмик гимнастика. 8.30 Тонгги дам олиш программаси. 9.00 Сиз яратган боғ. 9.30 «ТСН». 9.45 РСФСР Давлат духовой оркестри чалади. 10.05 «Орёл. Хотира манбалари». Ҳужжатли фильм. 10.25 МТнинг олтин хазинасидан. 13.35 «Бурда моден» таклиф этади. 14.05 «Оловли сўқмоқлар». (Мосфильм). 15.30 «ТСН». 15.45 «Янгра, гармонь». 16.50 «Экранда — Сибирь». Киножурнал. 17.00 «Уч шапалоқ». Бадиий фильм. 18.15 С. Есенин шеърларига ёзилган бешта қўшиқ. 18.30 Халқаро панорама. 19.05 «Кўзингни юм». Бадиий фильм. 19.45 «Товус зардаси». Бадиий фильм премьераси. 1 ва 2-сериялар. 21.30 Время. 22.15 Евгений Петросяннинг таклифи. 00.05 Оммавий куй янгиликлари. 01.35 «Матонат». Бадиий фильм. 4-серия. 02.40 Рус опера санъати усталари.

● МТ-II

8.30 Эрталабки бадантарбия. 8.50 Й. Гайднинг «Нельсон масиҳаси». 9.35 «Хотин-қизлар клуби». Бадиий фильм. 1- ва 2-сериялар. 12.00 Ҳамдўстлик видеоканали. 15.25 Чанғи спорти. Жаҳон чемпионати. 18.15 «Аёзбобо». Бадиий фильм. 19.35 Телефильмлар. 20.15 Мультфильм. 20.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! 20.45 Рус тили. 21.15 А. Федоров ва В. Сидельников чаладилар. 21.30 Время. 22.15 «Плюс ўн бир» видеоканали.

• 17, якшанба

● ЎзТВ-I

8.00 «Ҳафтанома». 9.00 «Оила даврасида». Кинопрограмма. 10.00 Совет— Америка ҳамкорлиги. Янги кимёвий воситалар. 10.30 «Метичара— денгиз жонивори». Бадиий фильм. 11.50 «Алифбо сабоқлари». 12.25 «Деҳқон ва замин». 13.25 «Горизонт—46». Киноальманах. 14.05 «Қўшиқ бизга ҳамиша ҳамроҳ». 18.00 Болалар учун. «Кичкинтой» кўрсатуви. 18.30 «Мультипанорама». 19.15 «Ўзбекистон» киножурнали. 19.30 Ахборот. 19.50 «Мусиқа жавони». 20.30 Ахборот. 21.00 А. Навоий таваллудининг 550 йиллигига. «Бир ғазал жилваси.». 21.30 Время. 22.15 Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг навбатдан ташқари тўртинчи сессиясида. 22.45 «Мозийдан бир саҳифа». Ҳабибулла Қодирийнинг «Отам ҳақида» асари асосида видеофильм премьераси, 2-қисм.

● ЎзТВ-II

9.00 **Душанбе кўрсатади.**

● МТ-I

8.30 «ТСН». 8.45 Ритмик гимнастика. 9.15 «Спортлото». тиражи. 9.30 «Эрта саҳарлаб». 10.30 «Ватан хизматида». 11.30 Тонгги дам олиш программаси. 12.00 «Саёҳатчилар клуби». 13.30 «Қишлоқ янгиликлари». 14.30 «Здоровье». 15.00 «50х50». «...16 ёшгача ва ундан катталар» кўрсатувига мусиқий илова. Танаффус пайтида (15.30) — «ТСН». 17.05 Мультфильм. 17.25 Сиёсий мулоқотлар. «Ким аслида ким». 18.40 «Уолт Дисней таништиради...». 19.30 «Товус зардаси». Бадиий фильм премьераси. 3 ва 4-сериялар. 21.30 Время. 22.15 «Александр Шилов санъати». Ҳужжатли фильм. 23.05 Эстрада кўзгусида. 23.55 «ВИД» таништиради. 00.55 «Матонат». Бадиий фильм. 5-серия.

● МТ-II

8.30 Зарядкага сафланинг! 8.45 Чанғи спорти. Жаҳон чемпионати. 9.30 «Планета». Халқаро программа. 10.30 Педагогика ҳамма учун. 11.30 Ўзбекистон телевиденнесининг «Дўстлик» видеоканали. 14.55 Чанғи спорти. Жаҳон чемпионати. 18.15 «Биз яшаётган олам». 19.10 Россиянинг парламент хабарномаси. 19.25 «НУЖ: эълон қилинмаган ташриф». 20.15 Мультфильм. 20.25 Коллаж. 20.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! 20.45 Гандбол. 21.30 Время. 22.15 Муаллифлик телевиденнеси.

550

НАВОИЙ ШАТРАНЖ ЎЙНАГАНМИ?

ЖОНКУЯР ўзбек шахматшуноси Мамажон Муҳиддиновнинг «Шатранж мажлисида зукколар» («Ўзбекистон адабиёти ва санъати», 1990 йил, 1 июнь) мақоласида Навоий шатранж ўйнаганми-йўқми, деган масала шу қадар жиддий қилиб қўйиладики, бу борада ҳурматли олимимизнинг самарқандлик бир ёш олим (негадир химлиги аниқ айтилмаган) билан ёзишмалар қилгани, академик В. В. Бартольд ва А. Семёнов каби рус навоийшунослари ишларини варақлагانини билиб оламиз. Шунча саъй-ҳаракатдан кейин шахматшунос: «Навоий шахсан шатранж ўйнаганлигига асло шубҳа йўқ. Лекин қачон, қаерда ва ким билан ўйнаганлиги ҳозирча бизга номаълум, холос», деган хулосага келади.

Чиндан ҳам, Навоий шатранж ўйнаган. «Шахсан Навоийнинг ғамхўр ва донишманд раҳбарлиги остида етишган кўп илм ва шоирлардан бири» (И. Султон) — Ғиёсиддин билан Ҳумодиддин Хондамир (1480-81 — 1535) қаламига мансуб «Макоримул-ахлоқ» («Яхши ҳулқлар») асаридан шундай ҳикоя келтирилади:

«Бир куни мақтовга лойиқ Амир (Навоий) фикрни кенгайтириш учун (!) Мавлоно Фасиҳиддин соҳиб билан шатранж ўйнамоқда эди. Шу пайтда тўсатдан Амир Бурҳониддин Атоулло мажлисга кириб келди. Ул ҳазрат (Навоий) иззат ва ҳурмат маросимларини бажо келтириб, илтифот ва кўнгил сўраш йўли билан, қаердан ташриф буюрдилар ва нима ишлар бор, деб сўради.

Амир Бурҳониддин шундай жавоб берди:

— Ҳар куни шаҳардан мадрасайи «Ихлосия»га қатнашдан қутулиш учун узоқ муддатлардан бери унинг атрофидан бир ҳовли олиш талабида эдим. Ҳозир эса ўшандай жой топдим ва уч минг динор кепакийга сотиб олмоқчиман. Бироқ бу орада бир амалдор пайдо бўлиб, бу маблағ устига бир оз қўшмоқчи. Сотувчи эса жойини унга сотмоқни истайди. Умид шуки, мулозимларингиз у кишига мазкур ҳовлини сотиб олишдан воз кечиш ва менга қолдириш тўғрисида шафқат юзасидан бир қоғоз ёзсалар.

Дарё кўнгилли Амир (Навоий) бу сўзларга жавоб бермасдан, ўртадаги шатранж машғулотини тугатишга киришди. Бу жиҳатдан у жаноб (Атоуллоҳ Ҳусайний) ташвишланиб, «бу илтимосим олий ҳазратнинг кўнглига оғир тушди», деб гумон қилди. Ҳар ҳолда, шатранж тамом бўлди. Эҳсон ва саховат манбаи Амир (Навоий) у зотга хитоб қилиб, агар фақирлардан бири майдони кенг, иморати кўп, ҳавоси гўзал ва суви ширин, ҳам мадрасага яқин ҳовлини сизга тортиқ қилса муносиброқ бўладими ёки ўша мадрасага яқин ҳовлини сизга тортиқ қилса муносиброқ бўладими ёки ўша ўзингиз айтган ҳовлининг қулингизга кириши учун ҳаракат қилинсинми, деди. Улуғ насабли жаноб (Атоуллоҳ Ҳусайний) бу сўзни эшитиб, шодлик ва хурсандлик изҳор қилиб умидвор бўлди.

Ўша вақтларда баланд мартабали Мавлоно Муиннинг ҳовлиси ул ҳазрат (Навоий) девонига тааллуқли бўлган эди. Ҳақиқатан, кўнгилочар ва хушҳаво бир жой эди, мана шу жойни у жанобга инъом қилиб, истаган мақсадини ҳосил қилиб қайтарди». (Хондамир, Макорим ул-ахлоқ. М. Фахриддинов ва П. Шамсиев таржимаси. Учинчи нашр. Тошкент, 1967, 104-105-бетлар).

Маълум бўлдики, Навоий ўз даврининг йирик алломаси, адабиёт назариясига оид машҳур асар — «Бадойиъ ус-саноийъ»нинг муаллифи Атоуллоҳ Ҳусайнийга яхши бир ҳовлини бепул тортиқ қилган. Бу ерда Навоий шатранж сура туриб олимнинг дардини эшитгани, аммо ўйин тугагунча унга жавоб қайтармагани қайди жуда муҳим. Ҳатто Атоуллоҳ Ҳусайний шу сукут орасида арзини айтганига пушаймон ҳам қилиб ўтиради. Бу Навоийнинг шатранжни камоли диққат билан, жиддий ўйнаганини кўрсатади.

Навоийнинг шатранждаги рақиби — Мавлоно Фасиҳиддин замонасининг энг баобрў насабли алломаларидан ва шоир эди. «Мажолисун-нафоис» тазкирасида Навоий унинг хушфеъллигини таърифлаб, «сафар ва ҳазарда (давраларда) кўпрак авқот (вақтлар) ўз шариф суҳбати билан мушарраф» қилганини айтади. Хондамирнинг ҳикояси буни тўла тасдиқлайди. Бу икки дўст «сафар ва ҳазарда» ўзаро бот-бот шатранж суришганига шубҳа йўқ.

Султонмурод ОЛИМ,
филология фанлари номзоди.

ТЎЁНАЛАР

МУСИҚА АСАРЛАРИ

Жумҳурият радиоси ва Ўзбекистон композиторлар уюшмаси ўзаро ҳамкорликда Алишер Навоий ғазаллари ва рубоийлари билан ижро этилган мусиқа асарларининг бадиий кенгашини ўтказди. Бунда композитор Мустафо Бафоевнинг шоир ғазаллари, қитъа ва туюқлари асосида умумий хор, ўзбек миллий созлари учун ёзилган баш ҳолатдан иборат башинчи симфонияси ва Баҳрулла Лутфуллаевнинг Навоий рубоийлари замирида якка хонанда, жўрсиз хор учун яратилган асарлари тингланди.

Янги асарлар муҳокамасида композиторлардан Сайфи Жалил, Мирсодиқ Тожиев, Улуғбек Мусаев, Ботир Умиджонов, Хайри Изомов, Анор Назаров, Мардон Насимов, шоирлардан Жуманиёз Жабборов, Пўлат Мўмин, Барот Исроил ва навоийшунос олим Абдуқодир Ҳайитметовлар қатнашдилар.

Ҳар икки асарни магнит лентасига ёзиб олишга қарор қилинди.

БИЗНИНГ СУҲБАТ

ТЕАТР АРМУҒОНИ

Қўшиқ ихлосмандлари хушовоз ҳофиз, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Урнибой Нуралиевни яхши биладилар. У иштирок этган музикали спектакллар ва ашулалар завқ билан тингланади. Яқинда у қадрдон театрига директор лавозимига тайинланди.

Республикамизда катта ижод йўлини босиб ўтган бу санъат даргоҳи айни пайтда олтмишинчи ижод йилига ҳам қадам қўйди. Шу муносабат билан Наманган вилояти Алишер Навоий номидаги музикали драма ва комедия театрининг директори Урнибой НУРАЛИЕВ мухбиримиз билан суҳбатлашди.

— Бу йил республикамизда Алишер Навоий йили деб эълон қилинди. Сўз бошлиқ бу жамоада байрамга қандай тўёнлар тайёрланяпти?

— Иззат Султон ва Уйғунниг «Навоий» драмаси театримизда кўп йиллар давомида муваффақиятли ўйналган. Бу асар мутафаккир юбилейи муносабати билан қайта сайқалланиб, яна саҳна юзини кўради. Асардаги бош қаҳрамон — Алишер Навоий сиймосини яратиш вазифаси менинг зиммамга тушган. Истеъдодли санъаткорлар Ўзбекистон ССР халқ артисти Маматхон Убайдуллаев, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Собир Соҳибов, артистлар Маматхон Асқаров, Мақсуда Фахриддинова, Маърифат Қорабоева, ёш истеъдод эгалари Маъруф Ниёзов, Муҳаммад Нуриддинов, Ёдгор Исмоилов ва бошқалар бу асарда қатнашадилар. Спектакль шу ойнинг охирида томошабинлар ҳукмига ҳавола қилинади.

Бундан ташқари буюк алломанинг улуғ номини шарафловчи яна бир неча саҳна асарларини тайёрлашга бел боғлаганмиз. Режиссёр, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби Карим Йўлдошев драматург Жўра Маҳмудовнинг Алишер Навоий ривоятлари асосида «Ал қасосу минал ҳақ» пьесасини саҳналаштирмоқда. Бундан ташқари яҳудий адиби Арон Шаломаевнинг «Олтин қафас» асари ҳам томошабинда буюк бобомизнинг теран дунёқараши ҳақида яна ҳам кенгроқ тасаввур ҳосил қилиши мумкин.

Ижодий коллектив ўзбек классик шоири Машраб туғилган кунининг 350 йиллигига атаб драматург Азиз Турсуннинг «Машраб» музикали драмасини ҳам саҳналаштиряпти. У Наврўз байрами кунлари санъатсеварларга тақдим этилади.

— Театр 60 ёшга тўлган йилда ижодий сафарлар ҳам уюштирилса керак?

— Ҳа, бу йил—биз, санъаткорлар учун бу борада юмушлар анчагина. Белгиланган режамизда бир қатор вилоятлар томошабинлари ҳузурига боришимиз керак. Андижон, Бухоро, Каттақўрғон шаҳарлари ва қардош Бошқирдистон сафарига ҳозирлик кўришимиз лозим.

Абдулла ПУЛАТОВ.

ЖАҲОН ИЧРА ЖАҲОНИЙ СИЙМО

ПУРҲИКМАТ БАЙТЛАР

«ЛИСОН УТ-ТАЙР»ДАН:

Чун ҳунарвар узра чиқди беҳунар,
Тозидин қолди қуйироқ тожвар.

* * *

Ҳар иншини қилди ҳақ бир иш учун,
Нўш учун бирини бирин иш учун.

* * *

Одам ўлган зебу зоҳирдин демас,
Кимки ондин фахр этар — одам эмас.

* * *

Эр кирар эр сонига ҳиммат била,
Эр эмас фахр айлаган зийнат била.

* * *

Бўлди ул кўзу кўнгул, эй аҳли дил,
Ким ҳақ анда жилва айлар муттасил.

* * *

Ишқ мулкида гадову шоҳ бир,
Дайр ичида раҳбару гумроҳ бир.

Қўйниким сў[в], ўтқа бошқармас шубон,
Ул сурукин айлагил зоеъ гумон.

* * *

Шерга етмас бу йўл азмига зўр,
Не қила олгай заифу хаста мўр.

* * *

Тенги чун одамни махлуқ айлади,
Ўзни ошиқ, оғи маъшуқ айлади.

* * *

Ғавҳар ўлди ҳиммат-у, одам — садаф,
Бу садафқа ул ғуҳардиндур шараф.

* * *

Кимгаким инсоф йўқ — инсон эмас,
Мунсиз атворида жуз нуқсон эмас.

* * *

Ўз вужудунгга тафаккур айлагил,
Ҳар не истарсен — ўзунгдин истагил.

* * *

Онглаким, сўз — ўзга, маъни — ўзгадур,
Маъни онгмас шоғил улким сўзгадур.

* * *

Ким дедим: ўзлат эшигин очқомен,
Даҳри бемаъни эшидин қочқомен.

● Ҳамза театрида саҳналаштирилган «Алишер Навоий» (Уйғун ва И. Султон асари) спектаклидан бир кўриниш. Навоий ролида — Аброр Ҳидоятов, Ғули — Сора Эшонтўраева.

К. РОМЕЕВ олган сурат.

ЧИННИСОЗЛАР ТУҲФАСИ

Чинни буюмлардаги А. Навоий сурати муаллифи рассом Ботир Собиров. Безакларни Маъмура Эшонхўжаева ишлаган

Лагандаги шоир сурати ва безаклар муаллифи Ўзбекистон ССР халқ рассоми Ёқубжон Қорабоев.

Унта буюмдан иборат «Нилуфар» чой сервизининг ҳам ижодкори Ёқубжон Қорабоев.

Тошкент чинни заводи меҳнат жамоаси катта аҳамиятга молик воқеаларга ҳеч қачон бефарқ қолмаган. Айниқса, фан ва маданиятимиз тарихига доир муҳим саналар, умумхалқ байрамлари корхона ишчи-хизматчилари ва рассомларини ҳамиша илҳомлантиради.

— Шарқнинг буюк мутафаккири Алишер Навоийнинг 550 йиллиги чиннисозларимиз меҳнат фаолиятида алоҳида из қолдирмоқда, — дейди завод бадиий безак лабораториясининг мудири Равшаной Мавлонова — Буюк шоир ва инсонпарвар даҳо юбилейига атаб 50 га яқин номдаги нафис ва жарангдор чинни буюмлари тайёрланди. Ўзбекистон ССР халқ рассоми Ё. Қорабоевнинг ғазал мулки султони сиймосини туширган лаган ва шарқона чинни идишлари диққатга сазовор.

Ёш рассом Шуҳрат Йўлдошев ижодининг муқаддимаси унутилмас қувонч билан бурканди. Унинг дастлабки икки мустақил иши Навоий мавзуига бағишланди ва ишлаб чиқаришга қабул қилинди. Юбилейга аталган чинни буюмлар Тошкент, Самарқанд ва Москвада ўтадиган тантаналарнинг иштирокчилари ва меҳмонларига ҳадя этилади.

А. АБДУБАННОПОВ.

Гулдондаги А. Навоий сурати автори Фарҳод Шамсиев.

Кўзачадаги шоир сиймосини ёш рассом Шуҳрат Йўлдошев чизган.

Лагандаги безаклар ва Навоий замондоши Беҳзод суратини Ёқубжон Қорабоев ишлаган.

В. МОЛГАЧЕВ олган суратлар.

НАЗАРМАТ

КЕЛУР УСТОЗ

Келур ота, келур устоз Самарқандга Ҳиротдан,
Ўз уйига, ўз тўйига келур мангу ҳаётдан.

Таълим олган шаҳри азим, қадим Турон юртига,
Таъзим айлаб айтур ғазал, достонларини ёддан.

Келур карвон, қўнғироқлар жарангоси фиғону,
Сорбонларни куйлагани муножоту, баётдан.

Пок муҳаббат оламининг юлдузлари оқ чекар,
Ғоҳи Лайли, ғоҳи Ширин, ғоҳи Мажнун, Фарҳоддан.

Урушларким, низоларким эл офати азалдан,
Асранг дейди ул муқаддас юртингизни ёв, ётдан.

Асрларнинг минбаридан индо айлар мураббий,
Чиқар пешвоз фарзандлари, мухлислари ҳар юртдан.

Эл дардларин ўз дарди деб куйлаганлар мангудир,
Шундай эрур Мир Алишер, устоз келур Ҳиротдан!

550

ЭЪЛОНЛАР

ҲАМЗА НОМИДАГИ ЛЕНИН ОРДЕНЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА АЛИШЕР НАВОИЙНИНГ 550 ЙИЛЛИК ЮБИЛЕЙИГА ТЕЗ КУНДА УЙҒУН, ИЗЗАТ СУЛТОН АСАРИ.

«АЛИШЕР НАВОИЙ»

(II пардали драма)

АВВАЛ САҲНАЛАШТИРГАН РЕЖИССЕРЛАР — ЎзССЖ халқ артисти, ССЖИ Давлат мукофотининг совриндори МАННОН УЙҒУР, ЎзССЖ халқ артисти, ЎзССЖ Ҳамза ва Татаристон МСЖ А. Тўқай мукофотларининг совриндори ТОШХЎЖА ХЎЖАЕВ.

САҲНАЛАШТИРУВЧИ РЕЖИССЕР — ЎзССЖ халқ артисти, ССЖИ Давлат мукофотининг совриндори ТУРҒУН АЗИЗОВ.

Режиссёр — МУНАВВАР АБДУЛЛАЕВА.

РАССОМЛАР — ЎзССЖда хизмат кўрсатган санъат арбоби УБАЙДУЛЛА САЙДАЛИЕВ, АНАТОЛИЙ ЖИБОЕДОВ.

РОЛЛАРДА ИШТИРОК ЭТУВЧИЛАР:

З. МУҲАММАДЖОНОВ, Е. АҲМЕДОВ, С. ТАБИБУЛЛАЕВ, Т. ТОЖИЕВ, Р. ИБРОҲИМОВА, Т. КАРИМОВ, Т. ХОНТУРАЕВ, М. АБДУҚУНДУЗОВ, Т. МУМИНОВ, С. УМАРОВ, Р. АВАЗОВ, Х. ЮНУСОВ, Б. ҚОСИМОВ, М. ИСМОИЛОВ, С. ЗИЁМУҲАМЕДОВ, Ф. ЖАЛОЛОВ, Ф. МАСУДОВ, Р. ЖУРАЕВ, З. АШУРОВА, Ш. ИСМОИЛОВА, Қ. АБДУРАҲИМОВ ва бошқалар.

Театр

НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 12/II да Зебунисо, 13/II да Коппелия (12.00), Боғчасарой фавворaси (19.00).

ҲАМЗА НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 12/II да Хотинлар «гап»идан чиққан ҳангома, 13/II да Олтин девор.

МУҚИМИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУСИҚАЛИ ТЕАТРИДА — 11/II да Кампир кетармиш, 13/II да Гул ва Наврўз.

АБРОР ҲИДОЯТОВ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ ДРАМА ТЕАТРИДА — 12/II да Майсаранинг иши, 13/II да Келинлар қўзғолони.

Бош муҳаррир Р. РАҲМОНОВ.

Рўзнома таҳрир ҳайъати: Ҳ. ИКРОМОВ, Н. М. МАЖИДОВ, С. МУҲАММАДЖОНОВ, М. Қ. МУҲСИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Т. Н. НАЖМИДДИНОВ (бош муҳаррир ўринбосари), В. Т. ОДИЛОВ, М. Қ. ПИРМАТОВ, Р. Қ. ТУРСУНОВ, Ш. О. УБАЙДУЛЛАЕВ, А. С. УСМОНОВ, М. ХАЙРУЛЛАЕВ, Ж. ХОЛҚОСИМОВ. Э. С. ХУЖАЕВ (масъул котиб), М. ШЕРБУТАЕВ, О. ҲИКМАТОВ.

БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲИМИЗ: *700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.*

БЎЛИМЛАР: муштарийлар фикрини ўрганиш ва хатлар — 33-21-43, 33-54-55, 32-53-16, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06; қайта қуриш ва ижтимоий адолат — 32-55-70, партия турмуши — 33-34-69, 33-38-55, 32-53-97, 32-57-19, саноат, қурилиш ва транспорт — 33-47-80, 33-81-48, 32-53-14, 32-54-09; қишлоқ хўжалиги — 33-76-04, 33-07-20, 32-53-15, 32-53-70; совет қурилиши — 33-15-29, 32-57-20, 32-54-18; фан, маданият ва халқ таълими — 33-44-51, 32-57-21; адабиёт ва санъат — 33-20-36, 33-12-56, 32-54-35, 32-55-16; ахборот ва спорт — 33-14-24, 32-55-17; ахлоқ-одоб — 32-54-29; фельетонлар — 32-54-27; безатиш — 32-57-22.

ЎЗ МУХБИРЛАРИМИЗ: Бухорода — 3-96-12, Гулистонда — 2-63-48, Жиззахда — 3-31-86, Қаршида — 3-25-79, Наманганда — 6-54-11, Самарқандда — 35-22-90, Тошкентда — 32-53-20, Урганчда — 6-80-04, Фарғонада — 6-90-09.

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» («Советский Узбекистан») Орган ЦК Компартии Узбекистана

Нашр кўрсаткичи 64583.

Буюртма № 4871.

№ 29. ● Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32. Рўзнома офсет усулида. А—2 форматида босилади. ● 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12